

ШЕЪРИЯТ БЎСТОНИНИНГ ГУЛИ - ЗУЛФИЯХОНИМ

Хусан Испантов

Тошкент вилояти Пискент тумани Файзобод М.Ф.Й Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Матонат, шижоат, ирода, вафо, адабиёт осмони юлдузи.

Аннотция

Чексиз матонат ва сабр тимсоли бўлган Зулфияхоним ҳақида бир-икки оғиз фикр ва мулоҳаза.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Қўлга қалам олиб қоғоз қоралаш ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Лекин ҳар бир сўзини жонидек суйиб, унга меҳр ва муҳаббатини, бутун бошли ирода, матонат, вафо тушунчаларни унга жо этиб ушбу сўзлари билан ҳар бир китобхоннинг қалбига йўл топиш, уни шу сўз қудрати билан ром этиб китобхон кўзларида ҳайрат ёшларининг мавж уришига эришиш -бу албатта буюк истеъдод, маҳорат ва сабр, матонатни талаб этади. Зеро, ҳар бир ижод маҳсули қалбан ёзилмас экан у шунчаки оддий сўзлигича қолаверади. Бу худдики чўлда бесамар ўсиб ётган ёвойи ўтга ўхшайди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов айтганидек: “Китобдаги қувонч ва изтиробни ўқувчи ўзиники деб қабул қилсагина, ўша ҳақийқий асардир”. Ўзбек халқининг таниқли ва истеъдодли шоираси Зулфия Исироилова ана шундай матонат ҳамда қалб соҳибаси эди. У ойдин тунларида ой билан сирлашиб юрагининг туб – тубидан сизиб чиққан дарду ғамини, соғинчга йўғрилган ҳисларни, қувончи - ю севинчини ўзининг қайноқ сатрларига жо этган. Шунинг учун ҳам бу сатрларни ўқиганда беихтиёр уни оғушида маст бўлгандек, нафис сўзлар таъсирида вужудингизда ажиб ҳислар уйғонгандек бўлаверади. Истеъдод дарахтда ўсмайдики, уни силкитиб мевасини олсанг. У инсон зотига берилган Худонинг инояти, уни қўлдан бой бериш ёки камолотга етказиш мумким бу ҳар кимнинг ўз қўлида. Тинимсиз меҳнат, сайъ- ҳаракат орқали у ривож топади. Шунингдек, ташқи муҳит таъсири ёки оилавий муҳитнинг таъсири ҳам туртки бўлади. Зулфия онаси Хадича холанинг аллаларини, айтган эртақларини эшитиб катта бўлди, отаси устахонасидан чиққан чакмоқтош овози унинг қалбига чакмоқ каби кирди, отаси устахонасидан чиққан олов иси унга илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди. Онасини, акаларининг қўллаб – қуватлашлари, суянчиқ бўлишлари уни тобора камол топишига нафақат сабабчи, балким катта ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилди, ”Биз ажойиб дўстлар эдик”, - дейди шоира. Вақт ўтиб шеъриятга бўлган ҳавас уни катта шоирлар даврасига бошлади. У Уйғун, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Музайяна Алавия, Ғафув Ғулом каби ижодкорлар билан яқиндан танишди, ёзувчилар даврасига кирди. Шоиранинг Ҳамид Олимжон билан муносабатлари ана шу дамда учқунлана бошлаганди.

“ ... Яшириб ўтирмайман. Ҳамид Олимжон билан илк кўришувларданок кўзимдан кўнглимга ўтди. Мен ёш ҳиссиётим билан унинг кенг қалби, улкан иқтидорини туйдим”.

Зулфия Ҳамид Олимжон таъсирида ўзбек, жаҳон ва рус шоирлари шеърларини мутолаа қилди. Уни Пушкин, Тютчев, Фетнинг мисралари ром этди. Ҳамид Олимжон ҳаёт ва ижод йўлида Зулфияга суянчиқ бўлди. Шу йўсин шоиранинг кундан – кун янги қирралари очилиб борар, нозик сатрларда бу ўз аксини топарди:

Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,
Юрак бойлигидан қилмабман парво.
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоқ.

(Зулфия Исроиловани “Ачинмай қўйдим” шеъри)

Унинг илк “Мен иш қизиман” деб номланган шеъри Шуккур Саъдулла воситасида 1931 – йилда “Ишчи” газетасида босилди. Шундан сўнг “Ёш ленинчи” ва “Қизил Ўзбекистон” газеталарида, “Янги йўл” ва “Ўзбекистон шўро адабиёти” журналларида чоп этила бошланди. 1932 – йилда эса Зулфиянинг илк шеърлар тўплами – “Ҳаёт варақалари” дунё юзини кўрди.

Ўлим элчиси ўзбекнинг севимли шоири Ҳамид Олимжонни бу ҳаётдан олиб кетганида Зулфия ҳали ўттизга ҳам кирмаганди. У Ҳамид Олимжоннинг ўлиmidан катик қайғуга ботган эсада ўзида буни енгилга куч топа олди. Ирода ва матонатни кафтидан маҳкам тутиб тақдирнинг пасту баланд йўлида юришни давом этди.

Мана, бир умрни яшадим сенсиз,
Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутиб,
Тобутинг бошида чўкканимда тиз,
Фарзандлар кўтарди қўлимдан тутиб.

(Зулфия Исроиловани “Сенсиз” шеъри)

Энди у ҳам ота, ҳам она фарзандлари камолоти учун бутун вужуди ила киришиб, ижоднинг нозик оҳанглирига кўксини тутди, дилида ўзини оғирлиги билан босаётган дардлари билан уни қарши олди. Шунга бўлса керак уни куйларида нурдек оппоқ ҳислар кишини ўзига жалб этади, уни шеърларида ўт билан боғлиқ образлар, ташбеҳлар ҳаммаси табиий. Унда маънолар денгиз қаридаги дур каби порлаб туради, баъзан нозик сатрларини мутолаа қиларкансиз, у кўнглингизда чакмоқдек гумбурайди - ю сизни жумбушга келтиради:

Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман, чекинар алам.
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт еканман, ҳаётсан сен ҳам!

(Зулфия Исроиловани “Баҳор ҳақида шеър” шеъри)

Инсон ҳаётга бир бор келади. Уни қандай яшаб ўтиш ҳар кимнинг ўз кўлида. У шу қисқа умри давомида қандай ишлар қилди? Умрини чиройли яшаб ўтдимми? Ўзидан нимадир қолдирдимми? Зеро инсондан кейин ундан қоладиган яхши амаллари, у қолдирган маънавий бойлик кишилар қалбида то абад яшайди, одамлар уни эслаганда фахр ила тилга олишади, дуо қилишади. Ахир Фарҳод ҳам тоғни ёриб сув чиқаргани боис қадр топти, Искандар ҳам қилган яхшиликлари боис ҳамон ёдларда. Доноларимиз: “Яхшидан боғ қолади”, - деб айтганлари бежиз эмас. Зулфия ҳам умри давомида кўнгили чаманида яшнатган боғини қолдириб кетди. Бу боғда сайр этаркансиз унинг муаттар хидли гуллари сизни чорлайверади, унда оқувчи тиниқ булоқлар сизга ором беради. Шунда шоиранинг истеъдодига тасанно айтасиз, шеърятнинг нозик қудратини вужуд –

вужудингизда ҳис эта бошлайсиз. Шу лаҳзалик ҳайрат сизни уни ёди билан яшашга ундайди. Шунигчун ҳам Зулфияҳоним ҳамон қалбларда, уни ҳар сўзида оташин юрак саслари эшитилиб туради, у адабиёт осмонида юлдуз каби порлаб, нур сочади ва ўзбек аёлининг шижоат, матонат тимсоли бўлиб қолаверади...

Фойданилганадабиётлар:

1. Тарихий манбалар(Иброғим Ғафуров, Наим Каримовларнинг Зулфия Исроилова ҳақида айтган фикрлари)
2. Зулфияҳоним шеърлари (“Ачинмай қўйдим”, “Сенсиз”, “Баҳор ҳақида шеър”)